
Маҳаллаларда ифторлик тадбирлари давом этмоқда

Давлатимиз раҳбарининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида сектор раҳбарлари ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қува тумани бўлинмаси ташаббуси билан тумандаги кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, рўзадорлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Ана шундай хайрли тадбирларнинг давоми сифатида туманнинг Ғалаба ҳамда Турк маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган рўзадорлар учун ифторлик маросимлари ташкил этилди.

Ифторлик дастурхонида ёши улуғ отахону онахонлар дуога қўл очиб, юртимизга тинчлик, элимизга омонлик, хонадонларга қут-барака сўрашди, кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорлик билдиришди. Ифторлик олдидан рамазони шариф шукуҳи, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди.

Халқимизга хос эзгу фазилатлар намунаси бўлган ифторлик маросимлари туманнинг барча маҳаллаларида ўтказилмоқда.

2023-04-07 22:42:02